



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil,
Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН МИНЕРАЛ-ХОМАШЁ РЕСУРСЛАРИ САЛОҲИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК АҲАМИЯТИ

Абдуназаров Хусан Менглиевич

г.ф.н. доцент

Термиз давлат университети

Ниёзов Хўжакул Мирзабобоевич

ўқитувчи

Термиз давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада республикамиз ва Жанубий Ўзбекистон минтақасида бозор иқтисодиёти шароитида тоғ-кон геология қидирув ишларининг ривожлантирилиши асосида минерал-хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш, шунингдек, тоғ-кон саноати тармоқларининг мустақиллик йилларида ривожланиши масалалари атрофлича ёритилган.

Калит сўзлар: Геологик заҳира, тикланадиган ва тикланмайдиган минерал ресурслар, ёқилғи-энергетика ресурслари, рудали ва рудасиз минерал ресурслар, нефть-газ минтақалари.

POTENTIAL OF MINERAL RESOURCES OF SOUTHERN UZBEKISTAN AND THEIR ECONOMIC IMPORTANCE

Abdunazarov Khusan

Niyozov Khujaqul

Annotation: This article discusses the use of mineral resources based on the development of mining and geological prospecting in a market economy in the Republic and the South of Uzbekistan, as well as the development of the mining industry during the years of independence.

Keywords: geological reserve, renewable and nonrenewable mineral resources, fuel and energy resources, ore and non-ore mineral resources, oil and gas regions.

Республикамизда мустақиллик йилларида геология қидирув ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида миллий саноатимиз салоҳиятини ошириш, шунингдек ёқилғи-энергетика мустақиллигимизни таъминлашга қаратилган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Республикамизни 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш деб номланган III-бандида кўрсатиб ўтилганидек, Геология-қидирув ишлари ҳажмини кескин

ошириш, соҳага хусусий инвесторлар ва илғор хорижий компанияларни кенг жалб қилиш.

Истиқболли майдонларда геология –қидирув ва конларда қазиб олиш ишларига шаффоф механизмлар асосида маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш.

Иқтисодиёт учун зарур минерал хомашё базасини кенгайтириш.

Углеводород хомашёси мавжуд конлар, геология қидирув майдон ва структураларини таҳлил қилган ҳолда уларга шаффоф механизмлар асосида инвесторларни жалб қилиш орқали қазиб чиқариш ҳажмларини ошириш.

Геология соҳасида замонавий таълим стандартларини кенг жорий этган ҳолда малакали кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда илмий тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш каби долзарб вазифалар белгилаб берилди [1,11-б.].

Бу борада минтақалар табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳисобига маҳаллий ер ости фойдали қазилма турларини аниқлаш ҳамда уларни ишга тушириш орқали ёқилғи-энергетика саноатини жадал суръатда ривожлантиришга эътибор берилди.

Жанубий Ўзбекистон минтақаси республикамизда ўзининг бетакрор табиати, хусусан географик ўрни, рельеф тузилиши, иқлими, минерал ресурслари билан таъминланганлик даражасига кура алоҳида ажралиб туради.

Жанубий Ўзбекистон минтақаси таркибига маъмурий - ҳудудий жиҳатдан мамлакатимизнинг жанубий қисмида жойлашган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари киради. Жанубий минтақа майдони 48,7минг км²бўлиб, республика жами майдонининг 10,9 фоизини ташкил этади. Минтақада 2021-йилнинг 1-январ ҳолатига кура 6016.2 минг нафар аҳоли истиқомат қилган. Бу мамлакатимиз аҳолисининг 17,4 фоизини ташкил этади.

Минтақа республикамизда ёқилғи-энергетика ресурслари захирасининг кўплиги ва қазиб олиш ҳажми бўйича алоҳида ажралиб туради. Бу ерда йирик Жануби-Ғарбий Ҳисор нефть – газли минтақа шаклланган. Жанубий Ўзбекистон минтақасида нефть ва газ конлари ўтган асрнинг 50-йилларида аниқланиб, ишга туширилган. “Минтақанинг Қашқадарё вилояти Ғузор туманида Шўртан кони, Ҳисор тоғининг паст қирларида Пачкамар, Гумбулоқ, Одамтош, Қизилбайроқ, Тандирчи газ конлари жойлашган. Бешкент шаҳридан жанубда Бешкент, ундан ғарбда Қамаша шунингдек, Қарши чўлининг жануби-ғарбидаги Қултоғ, Оланг, Помик, Зеварди каби газ, газ конденсати ва нефть-газли конлар аниқланиб ишга туширилган”[3,27-б.]. Бундан ташқари мазкур вилоятда қўшни Туркманистон давлати ва Бухоро вилоятларига яқин ҳудудларда истиқболли Денгизкўл ва Кукдўмалоқ сингари нефть ва газга бой конлар ишга туширилган.

Жанубий Ўзбекистон минтақасининг Сурхондарё вилоятида ёқилғи-энергетика ресурсларини геологик жиҳатдан қидириб топиш ишлари геолог Н.П.Туев раҳбарлигида 1933-йилдан бошланган эди. 1934 йилнинг 6-февралида Ховдок конидан 158 метр чуқурликдан нефть қазиб олина бошлаган. Кейинчалик вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам геологик қидирув ишлари жадал олиб борилиши натижасида Учқизил, Кокайди, Лалмикор, Жайронхона, Толли, Қуштар, Амударё каби конлари аниқланиб нефть қазиб чиқарила бошлади.

2019-йилда вилоятнинг Бойсун туманида “Мустақилликнинг 25-йиллиги” кони аниқланди. Конда газнинг кунлик ўртача оқими 300 минг кубометрни ташкил этади. Бурғулаш ва қудуқни қуриш ишлари “Surhan gas chemical operating company” МЧЖ ХК ва “ERIELL” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Жанубий Ўзбекистон мамлакатимизда тошкўмир қазиб чиқариладаган минтақа ҳисобланади. Минтақанинг Сурхондарё вилоятида Шарғун ва Бойсун конларидан юқори калорияли сифатли тошкўмир қазиб чиқарилади.

“Вилоятнинг кўмир конлари 1941 йилда геолог А.Е.Репман томонидан аниқланиб, кўмир асосан Сариосиё туманидаги Шарғун ва Бойсун туманидаги Тўда конларидан қазиб олинади” [4,11-б.].

“Шарғун кони Ҳисор тоғи этакларида, то кембрийнинг гнейс ва сланецли қатламлар устида жойлашган. Шарғун кўмири юқори калорияли, аммо қатламлари юпқа, ўртача қалинлиги 2,5 метр бўлиб, айрим жойларда унинг қалинлиги 12 метрга етади” [2,15-б.].

Бойсун туманидаги Тўда конининг кўмири ҳам юқори сифатли бўлиб, юра даври ётқизиқлари устида жойлашган. Бу конда ҳам кўмир олинади. Коннинг захираси хорижий мутахассислар томонидан 160 млн т деб аниқланган. Тўда кўмир кони денгиз сатҳидан 1246 метр баландликда жойлашган.

Жанубий Ўзбекистон минтақаси озиқ-овқат ва тоғ-кимё саноати учун зарур бўлган ош тузи ва калий тузининг катта захираларига эга. Минтақанинг Сурхондарё вилоятида захираси 140 млн тоннага тенг бўлган Хўжаикон туз кони, мустақиллик йилларида қуриб ишга туширилган Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод туманида Тубегатан, Бойбичакон, Лайлимкон калий тузи конлари ишлаб турибди.

Мустақиллик йилларида республикаимизда бозор иқтисодиёти ислохотлари шароитида қўлай инвестицион сиёсат амалга оширилиб минтақаларнинг бой маҳаллий бой конлари базасида хорижий тадбиркор ва компаниялар ҳамкорлигида замонавий қудратли корхоналар қуриб ишга туширилди. Жумладан минтақанинг (Қашқадарё вилояти) йирик Кўкдумалок

нефть конлари негизида 1997-йилда Бухоро вилоятининг Қоровулбозор шаҳрида юқори октанли бензин, дизель ёқилғиси, авиакеросин, мазут, суюлтирилган нефть газлари маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи нефтни қайта заводи ишга туширилди. Шунингдек, минтақанинг йирик газ конлари базасида 2001 йилда Шўртангазкимё мажмуаси қуриб ишга туширилди. Мазкур корхона 3,5 млрд кубометргача истеъмол учун табиий газ, 125минг тоннадан ортиқ полиэтилен грануласи, 110минг тоннадан ортиқ суюлтирилган газ, 90 минг тоннадан ортиқ газ конденсати, 1,0 минг тоннадан ортиқ олтингугурт гранулласи ишлаб чиқариш йиллик қувватига эга.

Шу билан биргаликда мамлакатимиз ёқилғи саноатининг гигант корхонаси ҳисобланган “Uzbekiston GTL” корхонаси нафақат Марказий Осиёда балки жаҳонда фақат 4 та Қатар, Нигерия, Жанубий Африка Республикаси, ва Малайзия давлатларида қурилган корхоналар қаторидан ўрин эгаллади.

Корхонада 724,6 минг тонна дизель ёқилғиси, 437,3минг тонна нафта, 307,3 минг тонна авиакеросин, 53,4минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарилади. Бу эса йилига нефть хом-ашёси импорти ҳажмини камайтириб, ортиқча сарф-ҳаражатларни қисқаришига ёрдам беради.

Минтақанинг Сурхондарё вилоятида 2017-2021-йилларда давомида “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти тасарруфидаги кўмир саноати корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда уни мувозанатли ривожлантириш мақсадида “Шарғункўмир” акциядорлик жамиятини модернизация қилиш бўйича инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 105,5 млн АҚШ доллари бўлиб, уни 2017-йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, Хитойнинг “China Railway Tunnel Group (GROUP) компанияси томонидан амалга оширилмоқда. Шунингдек кон тўла хориждан келтирилган замонавий кўмир қазиб олиш ускуналари билан жиҳозланиб, унинг йиллик кўмир қазиб олиш қуввати 900 минг тоннага етказилиши режалаштирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда мустақиллик йилларида республикамизда амалга оширилаётган бозор иқтисодиёти ислохотлари шароитида минтақаларнинг ер ости фойдали қазилма конларини жадал ўзлаштириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этилиши асосида тоғ-кон саноатининг тармоқлар таркибини такомиллаштириш ҳамда диверсифи кацияни ошириш мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга шунингдек, аҳолининг турмуш форовонлигининг юксалишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонида 1-илова 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси.51 б.

2. Асанов Г., Набихонов М., Сафаров.И. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жуғрофияси.-Тошкент: Ўқитувчи, 1994.-209 б.

3. Маматов А., Абдуллаев С. ва бошқ. Қашқадарё вилояти географияси.- Қарши: Қашқадарё вилояти босмохонаси, 1994.-147 б.

4. Рўзиев А. Сурхондарё вилояти.-Тошкент : Жайхун, 1996.-118 б.